

**«O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi»  
акциядорлик жамияти ички назорати тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунҳужжатларига, «O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият деб юритилади) уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уни бартараф этиш тартибини белгилайди.

2. Низом ички назорат тизимининг мақсадлари ва вазифаларини, унинг фаолият юритиши тамойилларини, шунингдек ички назорат учун масъул Жамиятнинг органлари ва шахсларини белгилайди.

**2-боб. Ички назорат тизимининг таърифи ва мақсадлари**

3. Ички назорат - бу қуйидаги соҳаларда, Жамият мақсадларига эришиш юзасидан асосланган ва етарли тасдиқни олиш мақсадида, Жамият фаолиятига ички ўрнатилган ҳамда хавф-хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган узлуксиз фаолият юритувчи жараёндир:

фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан фаолият самарадорлиги даражаси, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш;

молиявий ҳисоботларни ишончлилиги ва ҳаққонийлиги;

Жамият фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлиги.

4. Ички назорат тизими - бу ички ҳужжатларда белгилаб берилган, Жамиятда ташкил этилган ва тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши, ижроия органи ва барча даражалардаги ходимлар (кейинги ўринларда - ички назорат субъектлари) томонидан барча вазифалари бўйича амалга ошириладиган ташкилий тузилма, назорат қилиш чоралари, ички назорат таомиллари ва усулларининг мажмуидир. Жамиятнинг ички назорат органлари аъзоларининг малакавий талаблари уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низомларда белгиланиши мумкин.

5. Ички назорат таомиллари - бу Жамият тафтиш комиссияси, кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси, жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи, шунингдек ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган Жамиятнинг таркибий бўлинмалари (қуйида матн бўйича - Жамият таркибий бўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятни амалга оширишда қонунчиликнинг ва Жамият ички ҳужжатларининг бузилишини аниқлашга, Жамиятнинг белгиланган мақсадларга эришиши самарадорлигини, шунингдек ички назорат таомилларини амалга ошириш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларини баҳолашга қаратилган чоралар мажмуидир.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳисобланади.

7. Ички назорат оператив тартибда қуйидагиларни таъминлашга мўлжалланган:

Жамиятнинг активлари сақланиши, унинг ресурсларидан тежамкорона ва самарали фойдаланиш;

амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг, Жамият бизнес-режаларининг бажарилиши;

Жамиятни бухгалтерлик ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқарув маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

Жамият фаолиятида хавф-хатарларнинг пайдо бўлиши пайтида уларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлилқилиш;

Жамият фаолиятидаги хавф-хатарларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан хавф-хатарни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мақбул қарорларни қабулқилиш;

бизнес ҳамжамиятида ва истеъмолчиларда Жамиятнинг яхши обрўсини ўрнатиш ва сақлаб туриш;

ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ва компенсациялар тўланишининг мувофиқлиги, шаффофлиги ва холислиги, шу жумладан уларнинг миқдорлари.

### **3-боб. Ички назорат тизимининг ишлаши тамойиллари**

8. Жамиятдаги ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланиб барпо этилади:

ўзлуксиз фаолият юритиш - ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича фаолият юритиши Жамиятга меъёрлардан ҳар қандай четга чиқишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни кейинчалик пайдо бўлишининг олдини олиш имкониятини беради;

ички назорат тизимининг барча иштирокчилари ҳисобдорлиги - ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиши сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

мажбуриятлар тақсимоти - Жамият назорат функцияларининг такрорланишига йўл қўймасликка интилади ҳамда ушбу функциялар ходимлар ўртасида шундай тақсимланиши лозимки, айнан бир шахс муайян активлар сақланишини таъминлаш ва уларни хатловдан ўтказиш, операцияларни ҳисобга олиб, муайян активлар операцияларини тасдиқлаш билан боғлиқ функцияларни бирлаштириб олиб бормаслиги лозим;

операцияларни тегишлича маъқуллаш ва тасдиқлаш - Жамият барча молиявий-ҳўжалик операцияларнинг ваколатли шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида тасдиқланиши тартибини ўрнатишга интилади;

ҳар кунлик ички назоратни амалга оширувчи Жамиятнинг таркибий бўлинмасининг ташкилий-тузилмавий мустақиллигини таъминлаш, унинг аудит қўмитаси орқали бевосита кузатув кенгашига функционал ҳисобдорлиги;

Жамиятда ишлаётган ички назоратнинг барча субъектлари назорат функцияларининг тегишлича бажарилиши учун масъуллиги;

Жамиятни барча таркибий бўлинмаларининг аниқўзаро ҳамкорлиги асосида ички назоратни амалга ошириш;

доимий ривожланиш ва такомиллашиш - Жамият ички назорат тизимини мослашувчан тарзда созлаш учун шароитларни таъминлашга интилади, бунда у янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда мослаша олиши лозим;

четга чиқишлар ҳақидаги хабарларни ўз вақтида етказиш - Жамиятда четга чиқишларни бартараф қилиш бўйича қарорларни қабулқилиш ваколатига эга бўлган шахсларга тегишли маълумотларни етказиш бўйича максимал қисқа муддатлар белгиланган;

назорат ўрнатиладиган Жамият фаолиятининг соҳалари устуворлигини белгилаш - ҳатто уларни фаолиятининг самарадорлигини (“ҳаражатлар - иқтисодий самараси” нисбати) ўлчаш қийин бўлса ҳам, ички назорат тизими қамраб оладиган стратегик йўналишлар ажратиб кўрсатилади.

### **4-боб. Ички назорат тизимининг компонентлари**

9. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентларни ўз ичига олади:

Жамият ходимларининг одоб-ахлоққадриятлари ва ваколати даражаси, бошқарувнинг сиёсати, раҳбарият томонидан ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш усуллари, ташкилот тузилмаси ва ходимлар малакасини оширишни, шунингдек кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига олувчи назорат муҳити;

хавф-хатарни баҳолаш - муайян вазифаларга эришишда турли хил даражада ўзаро боғлиқ ва ички кетма-кетликдаги тегишли хавф-хатарларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлилқилишни ифодалайди;

мониторинг - вақт ўтиши билан тизим фаолиятининг сифати баҳоланадиган бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига олувчи жараёндир;

раҳбариятнинг қарорлари бажарилишини кафолатлашга ёрдам берувчи сиёсат ва таомилларни мужассамлаштирган ва бир қатор турли хил ҳаракатларни, чунончи:

маъқуллашлар, санкциялар, тасдиқлашларни бериш, текшириш ўтказиш, жорий фаолиятни назорати, активлар хавфсизлиги кафолати ва ваколатларнинг тақсимланишини ўз ичига олган назорат қилишбўйича фаолият;

маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга, уларни руйхатга олишга ва улар билан алмашишга қаратилган ахборот таъминоти ва маълумотлар алмашишга оид фаолият, шу жумладан барча ички назорат субъектларида Жамиятда қабулқилинган ички назорат сиёсати ва таомиллари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тушунишни шакллантириш мақсадида маълумотлар алмашишнинг самарали каналларини барпо этиш.

Жамият маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш чораларини кўради.

10. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигига таъсир этувчи хатоликлар пайдо бўлиш эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоликларни муҳимлик даражасига ойдинлик киритиш ва белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлашда ички назорат тизими имкониятини аниқлаш учун ўтказилади. Жамиятда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун Кузатув кенгаши таклифи асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан мустақил профессионал ташкилот - маслаҳатчи жалб қилиниши мумкин.

### **5-боб. Ички назорат учун масъул органлар ва шахслар**

11. Ички назорат тафтиш комиссияси ёки тафтишчи, кузатув кенгаши, ижроия органи, ички аудит хизмати, шунингдек Жамиятнинг барча даражадаги бошқаходимлари томонидан амалга оширилади ва ўз навбатида уларнинг ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12. Жамиятда фаолият кўрсатаётган бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, компенсациялар ва тўланаётган ҳақларни ҳисоблаш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган. Ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита даҳлдор бошқаҳужжатлар каби ушбу ҳужжатлар мазкур Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

13. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти назорат қилинишини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида ички назорат тадбирларини ўтказиш Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси - ички аудит хизмати, ушбу хизмат бўлмаган ҳолларда эса ички назоратга масъул бўлган Жамият тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бошқа органлари ва таркибий бўлинмалари билан биргаликда амалга оширилади.

14. Кузатув кенгашининг функцияларига Жамиятнинг ички назоратида қуйидагилар киради:

ривожланиш йўналишларини белгилаш ва ички назорат тизимининг муайян операцияларини ҳамда стратегияларини маъқуллаш;

Жамиятнинг ижроия органи, ташқи ва ички аудиторлар, тафтиш комиссиясининг мунтазам ҳисоботларидаги маълумотларга, бошқа манбалардаги маълумотларга ҳамда ички назоратнинг барча томонлари бўйичаўз кузатишларига, шу жумладан молиявий, операцион, қонунчиликка риоя қилиш, ички сиёсатлар ва таомилларнинг назоратига асосланган ички назорат тизимининг

ишончилиги ва самарадорлиги бўйичаўтказилган таҳлил ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йили Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида ахборот бериш;

ички назорат учун масъул Жамият таркибий бўлинмасининг тузилмасини ва таркибини белгилаш;

ички назорат таомилларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

15. Молиявий ҳисоботларни ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги устидан назоратни ташкиллаштирилишига, Жамиятда ички назорат тизимини ишончилиги ва самарадорлигига жавобгарлик кузатув кенгашининг аудит бўйичақўмитасига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари ва ваколатлари Жамият кузатув кенгашининг аудит бўйичақўмитаси тўғрисидаги низомида акс эттирилган.

16. Унинг фаолият юритиши учун жавобгарлик кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг ички назорат соҳасидаги сиёсатига мувофиқ Жамиятнинг ижроия органи раҳбарига юклатилади. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ички назорат тизими тадбирларини жорий қилади ва кузатув кенгашини Жамиятнинг барча хавф-хатарлари, ички назорат тизимининг муҳим нуқсонлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича режалар ва чора-тадбирлар натижалари ҳақида хабардор қилган ҳолда унинг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

17. Турли даражадаги таркибий бўлинмаларнинг ходимлари (шу жумладан раҳбарлари) ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш бўйича стратегиялар ва тадбирларни батафсил ишлаб чиқишда бевосита қатнашади. Уларнинг мажбуриятларига ғайри оддий ҳолатлар ва муаммоларни, юзага келишига қараб, уйдлаш киради. Ходимлар муҳим масалалар ёки аниқ битимлар бўйича вужудга келган хавф-хатарлар ҳақида Жамиятнинг юқори турувчи раҳбариятини хабардор қиладилар.

18. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва унинг алоҳида таркибий бўлинмалари устидан назоратни амалга ошириш бўйича жавобгарлик доимий фаолият юритувчи ички назорат органи - тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ваколатлари тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда акс эттирилган.

19. Ички назорат таомиллари бажарилиши, яъни Жамият (унинг таркибий бўлинмалари) амалга ошираётган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Жамият уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан мунтазам назоратни амалга ошириш бўйича жавобгарлик ички аудит хизматига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари ва ваколатлари ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ички аудит хизмати кузатув кенгашининг аудит бўйичақўмитасига ички аудит натижалари, ички назорат тизими тўғрисида ҳисобот беради. Жамиятнинг ички аудит хизмати кузатув кенгашининг аудит бўйичақўмитасига бўйсунди.

20. Қуйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит хизматида лавозимларни эгаллашга ҳақли эмас:

иқтисодиёт соҳасида ва тартибга қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ёки аъзолари бўлган шахслар;

Жамиятнинг рақобатчиси ҳисобланадиган бошқа юридик шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси), раҳбари ёки ижроия органининг аъзоси ёхуд ходими бўлган шахслар.

Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга бошқа талаблар кузатув кенгашининг аудит бўйичақўмитаси томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг лозим даражада фаолият кўрсатиши ходимларнинг профессионал савиясига ҳам боғлиқ; Жамият кадрларни танлаш, ишга қабулқилиш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларни хизматда юқори мансабга кўтариш тизими уларнинг юқори малакасини ва уларнинг юқори одоб-ахлоқ стандартларга риоя қилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

### **6-боб. Ички назоратнинг таомиллари ва усуллари**

22. Жамият ички назорат тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Жамиятни турли хил бошқариш даражаларида ўзаро боғлиқ ва қарама-қарши бўлмаган мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

Жамият фаолияти мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган эҳтимолий ва мавжуд оператив, молиявий, стратегик ва бошқа хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлилқилиш;

ички назоратнинг муҳим аҳамиятли компонентларини баҳолаш;

бизнес-жараёнлар ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолиятининг мезонларини белгилаш ва самарадорлигини баҳолаш;

молиявий ва бошқа маълумотларни, ўтган даврнинг таққосланадиган маълумотлари ёки кутилаётган фаолият натижалари билан солиштириш йўли билан кўриб чиқиш;

воқеалар, операциялар ва транзакциялар ҳисобини юритишнинг мувофиқ усулларида фойдаланиш;

активларнинг сақланишини текшириш;

ички назорат таомилларини тегишли равишда ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизимининг сифатини мунтазам баҳолаш;

Жамиятнинг барча ходимларига ички назорат соҳасидаги уларнинг мажбуриятларини етказиш;

Жамият ходимлари орасида муҳим вазифаларни тақсимлаш (шу жумладан операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операциялар ҳисобини юритиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш);

фақат тегишли ваколатларга эга бўлган шахслар томонидан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;

ички назорат мақсадларига эришиш учун бошқа зарур таомиллар.

23. Ички назорат таомилларини амалга ошириш чоғида назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усуллари, шунингдек ички назорат таомилларини амалга ошириш учун зарур бошқа усуллар қўлланилади.

### **7-боб. Якуний ҳодалар**

24. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

25. Мазкур Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият кузатув кенгаши аъзолари, ташқи аудитори, Жамиятнинг тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, ижроия органининг раҳбари таклифига кўра киритилади.

26. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ўзгариши оқибатида ушбу Низомнинг баъзи моддалари уларга зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига амал қилади.